

## ЗАМОНАВИЙ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

А.Н.Хамдамов

University of science and technologies ректори

Мақолада Олий ўқув юртларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш омиллари классификацияси берилган, мавжуд омиллар интеграциясини шакллантириш, улардан фойдаланиш воситалари, услублари баён қилинган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** Олий таълим тараққиёти стратегияси, қўшма ўқув дастурлари, бизнес инкубаторлар, ҳамкорликдаги грант лойиҳалар, профессор-ўқитувчилар алмашинуви, кадрлар сифати, таълим мазмуни, юқори малакали кадрларни тайёрлаш омиллари.

**Кириш.** Бугунги кунда юқори малакали кадрларни тайёрлаш глобал миқёсдаги муҳим ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолди. Чунки, ҳалқаро миқёсда аҳоли турмуш даражаси ва сифати, камбағаллик ва кашшоқлик, алоҳида олинган давлатлардаги ижтимоий зиддиятлар охир оқибатда аҳолининг саводлилиқ даражаси, олий маълумотли кадрлар ва уларнинг компетенция кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқлиги тобора аниқ ва равшан кўриниб қолди. Шунинг учун ҳам БМТ, Жаҳон банки дунёдаги барча давлатлар мактабгача таълим, бошланғич таълим, ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим ташкилотларида турли хил дастурлар бўйича эксперт танловларини ўтказиш орқали ушбу давлатлардаги таълимнинг сифати ва самарадорлигини аниқлаб бориш орқали уларни ривожлантириш учун турли йўналиш ва даражадаги ёрдамларни уюштириб келмоқда. Ушбу жараёнда асосий омил ҳар-бир давлатнинг ўзида ўзининг таълим тизимини экспертиза қилиб бориши, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишидан иборат. Бунда асосий ўринни юқори малакали кадрларни тайёрлаш омилларини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Мақоланинг мақсади.** «Ўзбекистон—2030» стратегиясида таълим сифатини кўтариш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш омиллари бўйича белгиланган устувор йўналишларни асослашдан иборатдир.

**Тадқиқот метадалогияси.** Тадқиқотда кузатиш, аналитик таҳлил, илмий гипотеза қабила қўлланилди.

**Илмий муаммонинг қўйилиши.** Юқори малакали кадрларни тайёрлаш омилларини аниқлаш, уларни классификация қилиш, сиғишадиган омиллар интеграцияси майдонини яратиш асосида академик мустақилликга эга бўлган ҳар-бир олий ўқув юртининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда биринчи галда устувор омиллардан фойдаланиш технологияларини илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг энг муҳим илмий вазифаси ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Ижтимоий ишлаб чиқарувчи институт сифатида олий таълим фан, ишлаб чиқариш ва амалиёт уйғунлигининг асосий канали вазифасини бажаради. Фанни бевосита ишлаб чиқариш кучига айланттириш бобидаги фундаментал хулоса ўзининг амалий ибтидосини ижтимоийлашган

олий мактаб фаолиятида кўради. Олий мактабнинг касб беришга ва ижтимоий амалиётга тайёрловчанлик комплекси мавжуд тармоқлар, тармоқ мутахассисларининг нечоғлик илми маъданиятга эгаллигига мос равишда ривожланади. Хусусан тармоқлардаги фан, технология, инновацияга талаб, олий мактабда ўқитилаётган фанлар, уларнинг дастурлари, ўқув режа билан боғлиқ комплексининг истиқболли моҳиятини белгилайди. Шу асосда олий мактабнинг муҳим ижтимоий маҳсулдорлиги, истиқболли кадрлар тайёрлашга, илмий билимларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш режаси янги Ўзбекистон истиқболи билан чамбарчас боғланган.

Муҳтарам Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда 2030 йилга қадар ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси камида **50 фоизга** етказилади. **30 та** олий таълим муассасасининг таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилади. «**Топ-500**»га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида **50 та** қўшма таълим дастури асосида «**икки дипломли тизим**»и жорий этилади, **10 та** олий таълим муассасаси дунёнинг энг нуфузли «**Топ-1 000**» олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришилади, Олий таълим муассасаларида **илмий тадқиқотлар натижадорлигини** ошириш ва илмий салоҳият **70 фоизга** етказиш кўзда тутилган. **5 та** олий таълим муассасасини миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантириш фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун **3 триллион** сўм маблағ ажратиш, фундаментал тадқиқот йўналиши бўйича **8 та** етакчи хорижий илмий мактаблар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, амалий тадқиқотларга Давлат бюджетидан **4 триллион** сўм маблағ ажратиш, иқтисодиёт тармоқларининг «драйвер» йўналишларида **850 турдаги** инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, амалий тадқиқотлар натижалари асосида **2,5 мингдан зиёд** янги илмий ишланмалар яратиш янги Ўзбекистонда янги олий таълим тизимини вужудга келтиришнинг фундаментини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар режалаштирилган.

Ушбу истиқболли режалардан келиб чиқган ҳолда 2022 йил 1 октябрдан ўз фаолиятини бошлаган University of science and technologies бугунги кунда мактабгача таълим, бошланғич таълим, тарих, хорижий тил ва адабиёти, иқтисодиёт, психология, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия ва молиявий технологиялар, банк иши ва аудити, логистика, дастурий инжиниринг, туризм каби йўналишлар бўйича таълим-тарбия ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот, инновацион ишлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, университет “Низом”и талабларига кўра тайёрланган ўқув режа ва йўл харитасига кўра амалга оширилмоқда.

Бунда хорижий ОТМлар, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар ўтказаетган учрашувлар, илмий-амалий конференциялар, симпозиум, семинар-тренинг, вебинарлар, хорижий давлатларнинг элчихоналари, British Council, GIZ, Gyote Instituti, DAAD, KOICA, JICA, TICA, MTCR, ITC ва бошқа ташкилотлар дастурлари доирасидаги тадбирларда хорижий давлатларда ташкил этилган малака ошириш, тажриба алмашиш ўқув курсларида фаол иштирок этиб келмоқдамиз. Ушбу фаолиятда профессор

Ўқитувчиларимизнинг яънада кўпроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида инглиз тилини чуқурроқ ўргатиш курслари ташкил этилди. Бундан ташқари тўртта йўналишимизда бир қатор фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотлар инглиз тилида олиб борилмоқда.

Талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви, университетлар билан қўшма ўқув дастурларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмоқда. Хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасалари учун янги дарслик, ўқув қўлланмаларини нашр этмоқдамиз. Хорижий ҳамкорлар билан ўқув дастурларини яратиш устида кафедра профессор-ўқитувчилари қизгин ижодий иш олиб бормоқдалар.

Бизда ўтган ва ўтаётган ўқув йилида хорижий ОТМлар профессор-ўқитувчилари иштирокида бир қатор илмий-назарий семинарлар, илмий-амалий конференциялар, тренинглар, мастер класслар, вебинарлар ўтказилди. Жумладан, АҚШ Бостон SUFFOLK университети “Давлат хизматлари департаменти ва соғлиқни сақлашни бошқариш” кафедрасининг мудирини, профессор Карлос Руфин университетга таклиф этилди ва у “Яшил иқтисодиёт” бўйича молия ва молиявий технологиялар, иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган кундизги бўлим талабалари билан мастер класс машғулотларини ўтди.

М.Ауезов номидаги Қозоғистон давлат университети профессори Н.А.Ибраева Тарих йўналишида таълим олаётган кундизги бўлим талабаларига “Тарихий хотира ва семіётика” мавзусида семинар-тренингини ўтказди. Академик Бобожон Ғофурив номидаги Тожикистон Хўжанд давлат университети “Маънавиятшунослик” кафедраси профессори Усанов Ровшан Тўраевич ҳамда “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришнинг омиллари” мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Қозоғистон Қизилўрда университети эканомика, аудит, бизнес ва бошқарув кафедраси доценти Гульназ Жусупова тайм менежмент курси бўйича иқтисодиёт йўналиши талабалари билан онлайн шаклида “Ўз вақтимизни қандай самарали бошқарамиз” мавзусида онлайн шаклида машғулот ўтди.

Бугун University of science and technologies ва АҚШ Бостон SUFFOLK университети ўртасида ўқув услубий ҳамда илмий-тадқиқот, инновациялар бўйича ҳамкорлик меморандумини тайёрлаш ишлар якунига етмоқда. Бундан ташқари Қозоғистон Болашак университети билан ҳамда М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети билан ҳам ҳамкорлик меморандумини қабул қилиш жараёни ўз ниҳоясига етмоқда.

Университетимизда хорижий давлат Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида назарий семинарлар ва илмий амалий конференциялар ўтказиш анъанага айланди. Масалан 2023 йил 26 апрелда “Ўзбекистон тарихини тадқиқ қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган илмий-назарий семинарда Жанубий Қозоғистон давлат университетидан бир гуруҳ меҳмонлар иштирок этдилар. Хусусан университет профессори Н.А.Ибраева ўзларининг тарихий тадқиқотда симіетиканинг методологик аҳамияти бўйича қилган маърузаси алоҳида эътиборга эга бўлди. Ёки 2023 йил 17 майда ўтказилган “Янгиланаётган

Ўзбекистон ёшларининг инновацион ғоялари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда Тожикистон Республикасидан келган профессор-ўқитувчилар иштирок этишди. Конференцияда академик Бобожон Ғофуриев номидаги Хўжанд давлат университети “Маънавиятшунослик” кафедраси профессори Усанов Ровшан Тўраевич “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигининг ўрни ва роли” мавзусида билдирган фикрлари конференция қатнашчиларида катта тасаввур уйғотди. 2023 йил 25 майда ўтказилган “XXI Асрнинг ижтимоий ва аниқ фанлари: тадқиқотлар ва инновациялар” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда Қозоғистон Республикаси М.Ауезов номидаги университет кафедра мудирини, фалсафа фанлари докторини, профессор Мынбаев Н.Ж ҳамда Туркиянинг Бартын университети профессори филология фанлари докторини З.Худайбергеновалар иштирок этдилар ва маъруза қилдилар. Конференция иштирокчилари анжумандан кейин ўзларига тегишли кафедралар профессор-ўқитувчилари билан ўқув жараёни, дарсликлар, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича тажриба алмашдилар.

Хориж олий таълим муассасалари билан олиб борилаётган музокараларимизда бизнес инкубаторларни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ҳам изланишлар йўлга қўйилган. Булардан ташқари инновацион илмий-маорифий марказларни, инновацион таълим марказларини ташкил қилиш бўйича ҳам маълум амалий ишларни олиб бормоқдамиз. Булардан ташқари шу ўқув йилидан бошлаб бир қатор олий ўқув юртлиари билан талабалар таълими алмашинуви бўйича ҳам изланишлар олиб бормоқдамиз. Тажриба алмашиш мақсадида шу йил Жанубий Қозоғистон М.Ауезов номидаги университетга University of science and technologiesнинг ўқув ишлари бўйича проректори И.Хайдаров, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Н.Маматов, Таълим сифати назорати бўлимининг бошлиғи Э.Хаитовлар хизмат сафарида бўладилар. Ушбу хизмат сафарлари жараёнида университетлар аро комплекс масалалар муҳокама қилинади ва энг муҳими хорижий олий ўқув юртлиари профессор-ўқитувчиларнинг онлайн ёки офлайн тариқасидаги машғулотлар ўтиши йўлга қўйилади ҳамкорликда грант лойиҳалари шакллантирилади. Коллектив монографияларини, дарсликларни ҳамда ўқув қўлланмаларини яратиш амалиётлари бошланади энг муҳими ушбу жараёнга кенг талабалар қатлами жалб этилади. Шу асосда хорижий олий ўқув юртлиари иштирокида талабалар ўртасидаги, профессор-ўқитувчилар ўртасидаги танловлар ва олимпиадалар ўтказилади. Ушбу тадбирларнинг барчаси диалектиканинг умумий алоқодорлик ва ўзаро таъсир тамойилига кўра амалга оширилади. Бунда биринчидан алоҳида олинган ҳар бир олий ўқув юртининг ўзи ривожланса ва такомиллашса иккинчи томондан улар ўртасидаги алоқа мустаҳкамланади. Ушбу алоқа уларнинг ҳар иккаласининг ривожланиш манбаига айланиб қолади.

Юқорида келтирилган хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда ўқув дастурларини тайёрлаш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш, ўқув курсларини ташкил этиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви,

хамкорликда ўқув қўлланмалари ва дарсликларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Булардан ташқари таълим жараёнига хорижий университетларда тайёрланган замонавий ўқув дарсликларини ўзбек тилига таржима қилиш масалалари ҳам режага киритилган. Булар орасида хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма ўқув дастурларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Умуман тараққиёт икки тенденция бўйича амалга ошади. Уларнинг биринчиси нарса, ҳодиса, тизим ўзи-ўзидан келиб чиққан ҳолда, иккинчиси тараққиётдаги нарса, ҳодиса, тизимнинг ўзаро таъсир ўзаро алоқасига кўра амалга ошиши ҳолдаги кўринишларидир.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. 30.04.2023 йил.
2. «Ўзбекистон—2030» стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.
3. Қурбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. Монография.-Т.: Шарқ, 2004,-С. 498-520.
4. Р.Х.Джураев Инновационные педагогические технологии для создания адаптивной школы. Таълим сифатини оширишни ташкил этиш ва уни бошқариш технологиялари. Мақолалар тўплами. Т. 2023 йил.
5. Ромм М.В., Заякина Р.А, Филатова Е.В., Лучихина Л.Ф., Ильин С.Е. Инновационный вуз: сетевая перспектива в партнёрских сообществах. – Новосибирск: НГТУ, 2018.
6. Рябинина А.М. Технологии интернационализации высшего образования в современных условиях (Электронный ресурс)//Государственное управление. Электронный вестник. - 2022.-№. 94.-С.225-246. -URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-internatsionalizatsii-vysshego-obrazovaniya-v-sovremennyh-usloviyah>(дата обращения: 26.08.2023).